



FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru
HR: 2020 8000 6054 3715 8001
XATB "ORIENT FINANS BANK" Yunusobod filiali
Bank kodi: 01075, IFUT 69201
STIR: 308 852 209

AUDITORLIK TASHKILOTI

**МУСТАҚИЛ АУДИТОР
ХУЛОСАСИ**

Тошкент шаҳар

2025 йил 22 апрел

Аудиторлик хулосаси йўлланди:

«O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК
Тошкент шаҳри Катта йул кўчаси 46-уй
Ҳисоб рақами 2021 4000 2047 3792 7001
Ўзсаноатқурилишбанк, МФО 00440,
ИНН: 201221898, ИФУТ: 70220
телефон: (93) 572 83 64;

Аудиторлик хулосаси тузилди:

МЧЖ «FINTIME» АТ
Тошкент шаҳар, Миробод т, Шахрисабз 36 уй.
х/р 2020 8000 6054 3715 8001,
ХАТБ Ориент Финанс Банк» Юнусобод ф-ли,
МФО: 01075;
ИНН: 308 852 209; ОКЭД: 69201.
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик
ташкilotлари реестрига киритилган
телефон: (97) 446-03-07.

Биз «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АК нинг 2024 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тутаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Жамият раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далиллари олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, жамият ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Аудитор фикри

Бизнинг фикримизча, «O'ZMAXSUSMONTAJQURILISH» АКнинг 2024 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

«FINTIME»
МЧЖ директори:



З. Халкулов